Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 94 (21. 213) 1992 йил 13 май, чоршанба ●

БАҲОСИ 1 СЎМ.

РЕСПУБЛИКА ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов 11 май куни Янги Зеландия Бош вазирининг махсус элчиси жаноб Х. Темплтонни қабул қилди.

Бўлиб ўтган самимий ва ошкора суҳбат чоғида меҳмонга мустақил Ўзбекистон, бу ўлкада яшовчи халқ ва унинг турмуши, Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган кундан бошлаб республика ҳаётида юз берган туб ўзгаришлар ҳақида ахборот берилди. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, унинг табиий бойликлари, иқтисодиёти ва маданияти, иқтисодий тангликдан чиқиш йўллари ҳақида сўзлаб берилди. Суҳбатда Ўзбекистон билан Янги Зеландия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш имкониятларига катта эътибор берилди. Иккала томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар ҳам тилга олинди.

Янги Зеландиянинг Москвадаги элчиси жаноб Жеральд Магки айни вақтда Янги Зеландиянинг Ўзбекистондаги элчиси этиб тайинланди. Бугун у Президент И. А. Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ғ. Тешабоев иштирок этди.

(ЎзА).

Суратларда: қабул пайти.

С. ВЕЛИЧКИН ВА Р. НУРИТДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 11 май куни Корея Республикаси Москвадаги элчихонасининг маслаҳатчи-элчиси Вон Ен Лини қабул қилди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида меҳмонга республикадаги аҳвол тўғрисида, мустақиллик йўлида қўйилаётган аниқ-равшан қадамлар ҳақида ахборот берилди. Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликка аллақачонлар асос солинганлиги таъкидланди. Бу алоқа ва ҳамкорликни ҳозирги вақтда тобора мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун янги имкониятлар очилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг вакиллари яшаб, меҳнат қилаётганликлари тўғрисида гапирилди. Улар республика иқтисодиётини ривожлантиришда, ижтимоий турмушда фаол иштирок этмоқдалар. Улар орасида корейс миллатининг вакиллари ҳам бор. Корейсларнинг кўпчилиги ажойиб мутахассислар, ўз ишининг чинакам усталаридир. Ўзбекистонлик корейслар орасида қаҳрамонлар ҳам бўлиб, уларнинг номлари эндиликда бутун дунёга маълум. Ўзбекистонда барча миллат ва элатларга, шу жумладан корейсларга ҳам яхши турмуш ва самарали меҳнат қилиш учун ҳамма имкониятлар яратилган.

Суҳбат давомида мамлакатлар ўртасида ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун қулай истиқболлар вужудга келганлигига алоҳида эътибор берилди. Иқтисодиётда, маданиятда ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка дахлдор кўплаб масалалар тилга олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. А. Абдураззоқов иштирок этди.

(ЎзА).

ҚЎШМА БАЁНОТ

1992 йил 9-10 май кунлари Ашгабат шаҳрида Эрон Ислом Республикасининг Президенти Али Акбар Ҳошими-Рафсанжони, Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Акаев, Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф, Туркия Республикасининг Бош вазири Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовдан иборат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашуви бўлди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, минтақадаги ҳамжиҳатлик ва ишонч даражасини оширишга олиб келадиган ҳамда ўзаро манфаатдорлик, тенглик, мустақилликни, истиқлолни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида ҳамкорликни йўлга қўйишга интилиш натижасида юз бераётган ижобий ўзгаришлардан мамнуният изҳор қилиб,

барча давлатларнинг ўз сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини эркин танлаб олишини эътироф этиб,

БМТ низоми қоидалари ва мақсадларига содиқликни тасдиқлаб,

кўп томонлама минтақа ҳамкорлигини ривожлантириш тўғрисида иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) олий даражадаги биринчи Теҳрон учрашувининг муҳимлигини таъкидлаб,

иқтисодиёт, савдо, маданият, илм-фан, техника ва бошқа ижтимоий соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш минтақа халқларининг тараққиёти ва гуллаб-яшнашига катта ҳисса қўшишига, шунингдек, жаҳонда вазиятни тарғин ҳам соғломлаштиришга кўмаклашишига ишонган ҳолда қуйидагиларни маълум қиладилар:

1. Томонлар иқтисодий ва савдо алоқалари улар ўртасидаги муносабатларнинг кўп қисмини ташкил этишга асосланиб савдо-сотиқ ҳажмини кўпайтиришга, шунингдек, сармоя солиш юзасидан қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қиладилар.

2. Томонлар бир-бирларига делегациялар юборадилар, кўргазмалар, анжуманлар, шунингдек кўзда тутилган хизматларни амалга ошириш ва молларни сотиш учун бошқа тадбирларни ўтказадилар.

3. Томонлар устивор, ўзаро манфаатли асосларда молларни айирбош қилишга, бир-бирларига энг қулай шароит яратишга, шунингдек қўшма банклар, кичик ва ўртача корхоналар барпо этишга тайёр эканликларини маълум қиладилар.

4. Томонлар ўзлари ўртасида автомобиль йўллари, темир йўллар, ҳаво ва денгизлар орқали қатнаш йўлларини ва алоқа линияларини ўрнатиш ва кенгайтириш муҳимлигини ҳисобга олиб, шу йўналишларда икки томонлама ва кўп томонлама лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишга келишиб олдилар.

5. Томонлар газ ва нефть қувурларини қуриш, жумладан нефть ва газ қазиб чиқариш ҳамда уларни қайта ишловчи иншоотларни қуриш мазкур минтақа мамлакатларининг иқтисодиёти меъёрий ишлаши ва ривожланишини таъминлашга, шунингдек табиий газ ва нефтни жаҳоннинг бошқа мамлакатларига етказиб беришга имкон яратишини таъкидлайдилар.

6. Томонлар имтиёзли бож тўловларини жорий этиш, халқаро қоидалар ва шартномаларга мувофиқ ўз ҳудудлари орқали одамлар ва молларнинг эркин ҳаракат қилиши учун чегаралардан ўтиш шартларини соддалаштириш имкониятларини кўриб чиқишга келишиб олдилар.

7. Минтақада туризмни ривожлантириш ва ҳамжиҳатликни яхшилаш мақсадида томонлар мамлакатларнинг маданиятини, тарихини ўрганиш учун биргаликда ҳаракат қилиш тадбирларини ишлаб чиқишни, шунингдек тарихий, меъморий ёдгорликларни тиклашни зарур деб ҳисоблайдилар.

8. Томонлар иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун фойдали иш қилади деб таъкидлайдилар ва ташкилотга аъзо бўлган давлатлар унинг мақсадларини амалга ошириш учун бутун кучларини сарфлашлари лозим деб келишиб олдилар.

9. Томонлар минтақадаги ҳамкорликни чуқурлаштирар эканлар, бошқа давлатларнинг манфаатларига хавф соладиган қандайдир блоклар тузиш ниятлари йўқлигини таъкидлайдилар.

10. Томонлар ташқи ишлар вазирларига Осиёда ўзаро алоқалар ва ишонч чораларига доир кенгашни чақириш имкониятини ўрганишни топширишга келишиб олдилар.

11. Томонлар ўзаро қизиқиш туғдирувчи муаммолар юзасидан биргаликда учрашиш доирасида мунтазам маслаҳатлашишнинг фойдали эканлигини таъкидлайдилар.

Олий даражадаги Ашгабат учрашуви қатнашчилари — Президентлар ва Бош вазирлар меҳмондўстлиги ва самимий кутиб олганлиги учун Туркманистон Президенти С. А. Ниёзовга миннатдорчилик билдирдилар.

Эрон Ислом Республикаси номидан
А. ХОШИМИ-РАФСАНЖОНИ

Қозоғистон Республикаси номидан
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикаси номидан
А. АКАЕВ

Покистон Ислом Республикаси номидан
М. НАВОЗ ШАРИФ

Туркия Республикаси номидан
С. ДЕМИРЭЛ

Туркманистон номидан
С. НИЕЗОВ

Ўзбекистон Республикаси номидан
И. КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон фуқаролари жаҳон тилларини эгаллашлари, уларни умуминсоний қадриятларидан баҳраманд қилиш, жаҳон цивилизацияси ютуқларидан фойдаланишда тил тўсиқларини бартараф этиш тўғрисида Олий ва ўрта халқаро алоқаларни юқори малакали таржимон ва мутахассислар билан таъминлаш, бу соҳадаги мавжуд кадрларни, моддий-молиявий маблағларни жамлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 15 июнидан Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти билан республика рус тили ва адабиёти педагогика институтининг негизида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетини ташкил этиш тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлигининг таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар университетнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— ривожланган мамлакатларнинг ютуқларидан фойдаланиб, БМТнинг расмий тиллари бўйича мутахассислар тайёрлаш янги концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— бутун таълим тизими учун чет тиллар ўқитувчиларини, шунингдек, кенг соҳали таржимонларни тайёрлаш;

— илмий-услубий муаммоларни ва ўқув материалларини ишлаб чиқишда республика олий ўқув юртлари чет тиллар факультетлари ва кафедралари билан Фанлар академиясининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

— турли хил тажрибалар ўтказиш йўли билан ўқитишнинг компьютер техникаси ва аудиовизуал воситаларини қўлланган ҳолда чет тилларга жадал ўргатиш усулларини жорий қилиш;

— чет тиллар таржимонлари ва ўқитувчиларининг малакасини ошириш;

— талабалар ва мутахассисларнинг билимларига баҳо беришда таълим жараёнига синов амалиётини жорий қилиш;

— тегишли соҳадаги хорижий ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш, улар билан ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида узоқ муддатли шартномалар тузиш;

— ўзининг интеллектуал имкониятларидан фаол фойдаланиш ҳисобига валюта маблағлари жамғармасини тузиш;

— университетнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш ва унинг мулкини кўпайтириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида тегишли қарорни тайёрласин ва унда мазкур Фармонни рўёбга чиқаришга доир ташкилий чора-тадбирлар кўзда тутилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 12 май.

ҲАРБИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

12 май куни Тошкентда Мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар мудофаа маҳкамалари вакилларининг амалий учрашуви бошланди. Унда иштирок этиши учун Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Украина тегишли маҳкамаларининг раҳбарлари тўпландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг мудофаа масалалари бўйича бош маслаҳатчиси Б. Э. Қосимов учрашув қатнашчиларига республика Президенти И. А. Каримов номидан табрик ва самарали ишлаш истагини топширди.

Учрашувни МДҲ бирлашган Қуролли Кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари генерал-полковник Б. Е. Пьянков очди.

Тошкент учрашуви МДҲнинг бошқа республикаларида олдин бўлиб ўтган шундай музокараларнинг мантиқий давоми эканлиги таъкидланди. Ҳарбий делегацияларнинг аъзолари МДҲ ҳукумат бошлиқлари ва давлат бошлиқлари кенгашлари кўриб чиқиши учун тақдим этиладиган мудофаа масалаларига доир ҳужжатлар лойиҳалари мажмуини муҳокама қиладилар.

Делегация аъзолари ҳужжатларни келишиб олишга доир ишни бошлаб юбордилар.

* * *

Б. Э. Қосимов турли оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бўлмиш мухбирлар билан суҳбатда ҳарбий масалаларни ҳал қилишдан МДҲдаги барча мамлакатлар манфаатдор эканлигини таъкидлади. Ана шу масалаларнинг кўпи ҳарбий экспертлар муҳокамаси чоғида ишлаб чиқилди, шу масала юзасидан республикаларнинг фикри айтилди ва муайян қарорлар қабул қилинди. Лекин тақдим этиладиган ҳужжатларнинг бир қисмини узилкесил ишлаб чиқиш талаб қилинади. Тошкент учрашуви баҳсли масалаларга жавоб топишда ёрдам бериши, ҳамманинг умумий фикрга келиши учун имконият яратиши керак. Ўзбекистон делегациясида бир қанча ҳужжатларнинг мазмунига доир таклифлар бор. Холис муносабат чоғида, биргаликда қарорлар қабул қилишда барча низоли масалалар ҳал этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси мудофаа ишлари вазири генерал-майор Р. У. Аҳмедов Тошкентдаги музокараларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳарбий масалалар юзасидан олдин ўтказилган учрашувларнинг мантиқий якуни бўлди, деб таъкидлади. У бирлашган Қуролли Кучларнинг ва ҳар бир давлат қуролли кучларининг фаолият соҳасини фарқлаб қўйишни, улар устидан назорат қилишни, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масалаларини ҳал қилишни асосий йўналишлар қаторида тилга олди.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ ҚАДРДОН ДЎСТЛАРИ! АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Рўзнома мустақил давлатимиз, эъзозли мамлакатимизнинг улкан матбуот овозига айланганининг илк баҳорида Сизлар билан ҳафтасига беш марта юз кўришяпмиз. Республика иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар оқимида узилиш бўлмаслигига ҳаракат қилмоқдамиз.

Лекин рўзномани чиқариш моддий қийинчилик деворига бориб урилаётгани ахборот оқимига рахна солянти. Маълумки, муштарийларимизнинг аксарияти рўзномага ўтган йилнинг кузида эски нархлар амал қилиб турган пайтда обуна бўлишган.

Қоғоз, бўёқ ва босмахона анжомлари баҳоси юз мартагача, транспорт, электр қуввати тўловлари ҳам кескин кўтарилгани туфайли рўзнома таннархи муштарий топширган пулдан 12—15 марта ортиб кетишига олиб келди.

Кейинги 4 ой ичида ҳар бир обуначига юз сўмликдан ортиқроқ «Ўзбекистон овози» рўзномаси текинга етказиб берилди. Ишонинг, азиз муштарий, биз буни миннат қилишни сира истамас эдик, бозор иқтисодиёти шунга мажбур қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ошкора сиёсат воситаси бўлган матбуот бошига тушган аҳволни ўнглаш мақсадида давлат бюджетидаги катта танқислиққа қарамай вақтли нашрларга моддий ёрдам берянти. И. А. Каримов 28 апрелда имзолаган шу ҳақдаги Фармондан ҳаммамиз мамнун бўлдик. Ҳўжаликлар, ташкилотлар, меҳнат жамоалари, оддий муштарийлардан, ХДП ташкилотларидан муайян миқдорда моддий ёрдам олдик. Биламиз, ҳозир ҳаммага қийин. Аммо ўткинчи қийинчилик деб отахон рўзномангиз босилиб чиқишини хавф остида қолдириб бўлмайди. Ёшн улуғ табаррук отахон ва онахонлар, эслаб кўринг: бу рўзнома уруш йилларида ҳам мунтазам чиқиб турган ахир... Ўз вақтида айтилган тўғри сўз эгасига етиб бормаса, тафаккурларда парокандалик рўй беради. Ҳаққоний ахборот ўрнини турли миш-мишлар, узунқулоқ гаплар эгаллайди. Бунга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Шу муносабат билан рўзнома ижодий жамоаси қанча қийинчилик бўлмасин, давлат муассис ва ҳомийлар ёрдамида «Ўзбекистон овози»ни июнь ойи охирига қадар муштарийларга етказиб туришга жазм қилди. 1 июлдан бошлаб эса рўзнома обунани янгилаган муштарийларининг уй-уйларига етказиб берилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН ОБУНА БАҲОЛАРИ:

— 1 ОЙГА 33 СЎМ.
— 3 ОЙГА 95 СЎМ
— 6 ОЙГА 195 СЎМ.

ОБУНАЧИЛАРГА РЎЗНОМАНИНГ БИР НУСХАСИ 1 СЎМ 50 ТИЙИНГА ТУШАДИ. ЧАКАНА СОТУВГА 2 СЎМДАН ЧИҚАРИЛАДИ.

Рўзнома индекс рақами — 64583

Обунани янгидан расмийлаштириш муддати 10 июнгача.

Обуна бўлишга шошилинг!

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Ф. СП—1

ССЖИ Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)
рўзномасига ОБУНА
обуна сони
1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64583 (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»
(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЎЗАРО ҚИЗИҚИШ ЎЙҒОТУВЧИ ЛОЙИҲАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ, ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ, ТУРКМАНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА

БИТИМ

Эрон Ислом Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Туркия Республикаси, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси (бундан буён томонлар, деб юритилади) дўстлик ва бирдамлик қоидаларига асосланиб, ўз халқларининг тарихий ва маданий яқинлигига таяниб, тенглик ва ўзаро манфаатдорлик негизида ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш истаги билан қуйидагиларни келишиб олдилар:

1. Трансосиё темир йўл магистрали барпо этилишини, жумладан, 1995 йилгача Тежен — Сарагт — Машҳад темир йўли қурилишини тезлаштириш ва Қозоғистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги чегарада темир йўлнинг ўтиш жойи — дўстлик станциясини жадал ривожлантириш.

2. Туркманистондан Эрон Ислом Республикасига, Туркия Республикасига ва Европа мамлакатларига биринчи босқичда йилига 1,5 миллиард кубметр ва иккинчи босқичда йилига 28 миллиард кубметр табиий газни етказиб беришни таъминлайдиган газ қувурини лойиҳалаштириш ва уни қуришни амалга ошириш. Манфаатдор томонлар Туркманистон гази мамлакатлар ҳудудидан камида 30 йил мобайнида бемалол ўтишини таъминлайдилар.

3. Томонлар халқаро автомобиль қатнови очиш учун Истанбул, Теҳрон, Исломобод, Ашгабат, Тошкент, Бишкек ва Олмаотани бирлаштирувчи катта автомобиль йўли участкаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва таъмирлашни зарур деб топдилар.

4. Мазкур лойиҳаларни амалга оширишда иқтисодий ҳамкорлик қилиш учун томонлар уларнинг ҳар бирида манфаатдор томонлар тегишли идораларининг раҳбарларидан иборат таркибида мувофиқлаштириш кенгашларини тузишни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

1992 йил 10 май куни Ашгабат шаҳрида инглиз ва рус тилларида бир нусхада тузилган, иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

Эрон Ислом Республикасининг Президенти
А. ХОШИМИ-РАФСАНЖОНИ

Қозоғистон Республикасининг Президенти
Н. НАЗАРБОЕВ

Қирғизистон Республикасининг Президенти
А. АКАЕВ

Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири
М. НАВОЗ ШАРИФ

Туркия Республикасининг Бош вазири
С. ДЕМИРЭЛ

Туркманистон Президенти
С. НИЁЗОВ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

МАТБУОТ УЧУН ХАБАР

1992 йил 9—10 май кунлари Ашгабат шаҳрида Эрон Ислом Республикасининг Президенти Али Акбар Хошими-Рафсанжони, Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикасининг Президенти Асқар Акаев, Покистон Ислом Республикасининг Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф, Туркия Республикасининг Бош вазири Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовдан иборат давлат ва ҳукумат боғлиқларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон мустақилликка эришганлигининг тарихий аҳамиятини таъкидлаб, минтақада ҳамжиҳатлик ва ишонч даражасини оширишга олиб борадиган ва ўзаро манфаатдорлик, тенглик, мустақиллик ва истиқлолни ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида ҳамкорликни йўлга қўйишга интилиш натижасида юз бераётган ижобий ўзгаришлардан мамнуниятини изҳор қилиб

1. Томонлар Афғонистонда содир бўлаётган воқеалар шу мустақил давлатнинг ички иши деб ҳисоблайдилар ҳамда улар Афғонистоннинг мустақиллиги, истиқлоли ва ҳудудий яхлитлигига ҳурматларини намоён этиб, ҳозирги ўтиш даври ҳукумати миллий тотувлик ва сиёсий барқарорликка эриша олади деб умид билдирадилар. Томонлар жаҳон ҳамжамиятини Афғонистонни тиклаш ва таъмирлаш учун, шунингдек Эрон ва Покистонда ҳамда бошқа мамлакатларда яшаётган миллионлар афғон қочоқларини режали асосда тезда ватанига қайтариш учун кенг кўламда ёрдам беришни таъминлашга чақирдилар. Томонлар Афғонистонни минтақанинг ажралмас қисми деб биладилар ва яқин келажакда минтақа ҳамкорлигида унинг иштирок этишини табриклайдилар.

2. Томонлар Тожикистон мустақиллигига, истиқлолига ва ҳудудий яхлитлигига, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ҳурматларини ифодалаб, Тожикистондаги халқ ва сиёсий кучларни сабр-бардош намоён этиб, ялпи келишиш ва ҳамжиҳатликка эришиш йўлида ҳаракат қилишга чақирадилар. Томонлар бу мамлакатда тез орада осойишталик ва фуқаролар тотувлиги тикланади деб умид билдирадилар.

Биз Тожикистондаги сиёсий партиялар, жамоат ҳаракатлари раҳбарларини, барча фуқароларни Тожикистон олдида турган барча масалаларни тинч воситалар ва музокаралар асосида осойишталик билан ҳал қилиш учун мумкин бўлган ҳамма ишга чақирамиз.

Биз у ерда содир бўлаётган воқеалар Тожикистоннинг ички иши ва барча масалаларни тожик халқи четдан аралашувсиз ўзи ҳал қилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Биз тожик халқининг донолигига, унинг муаммоларни ҳал этишнинг тинч йўлини топишига, Тожикистоннинг эса гуллаб яшнаган давлатга айланишига ишонамиз.

3. Томонлар Тоғли Қорабоғдаги вазиятдан чуқур ташвишланаётганлигини изҳор қилиб, Арманистон билан Озарбайжонни ўт очишни дарҳол тўхтатишга ҳамда ҳарбий бўлинмаларни Шушадан яқинда қабул қилинган Теҳрон баённомасига қадар турган жойларига қайтариш учун куч-ғайрат сарфлашга чақирадилар.

Томонлар жаҳон ҳамжамиятига ва БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Тоғли Қорабоғда тинчлик ўрнатиш учун зарур чораларни кўришга даъват этадилар.

Томонлар бунинг учун барча куч-ғайратлар зарурлигини, жумладан давлат бошлиқлари 1992 йил 8 май куни Теҳронда имзоланган баённомани бажариш зарурлигини таъкидлайдилар.

4. Томонлар Босния ва Герцеговинадаги воқеалар хусусида чуқур қайғу билдирадилар ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашни можарони тўхтатиш учун саъйи-ҳаракатларни кучайтиришга чақирадилар.

5. Томонлар Жамму ва Кашмир масаласи БМТ низоми қоидаларига мувофиқ тинч йўл билан ҳал этилади деб келишиб олдилар.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қарши шаҳридаги сув хўжалиги техникаси тажриба-эксперименталь корхонасида янги цех ишга туширилди. Бу ерда керамзит-бетон блоклари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулот якка тартибда уй қурмоқчи бўлган қишлоқ меҳнаткашларига қўл келяпти.

Корхона йил бошидан буён бундай маҳсулот чиқаришдан 30 миллион сўм фойда кўрди. Йил охиригача ушбу кўрсаткични икки бараварга ошириш кўзда тутилмоқда. Бу эса цех қувватини ошириш имконини беради.

СУРАТДА: бригада бошлиғи Асқар Мухторов (чапда) ва корхона директори Нуржаҳон Муродов.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ХАЛҚ БИЛАН ҲАМНАФАС

Мустақил Ўзбекистон халқлари куни-кеча Биринчи Май байрамини ва фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 47 йиллигини кенг нишонладилар. Халқ билан ҳамиша ҳамнафас Ўзбекистон ХДП ташкилотлари жойларда халқ сайиллари, бадиий ҳаваскорларнинг чиқишлари, спорт мусобақаларини ўтказишда бош-қош бўлдилар. Уларнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида Ғалаба куни арафаси ва байрам куни уруш ногиронлари ва қатнашчилари, байналмилалчи жангчиларга алоҳида иззат-ҳурмат кўрсатилди. Уруш ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхонлари ёзилди. Ногирон ва ночорларга баҳоли-қудрат моддий ёрдам уюштирилди. Барча вилоят, шаҳар ва районларда Номаълум аскар қабри ва озодлигимиз учун жон фидо қилган ҳимоячилар дафн этилган жойлар таъмирланди ва ободонлаштирилди, улар гуллар билан безатилди.

Партиямиз раҳбарияти номидан Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов, Марказий Кенгаш котиби ва Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Х. М. Абдураимов ҳамда бошқалар Тошкентдаги Мустақиллик майдонида жойлашган Номаълум аскар қабирга ва Волгоград кўчасидаги «Биродарлик» қабристонига гулчамбарлар қўйдилар. Шунингдек, Халқ демократик партиясининг барча вилоят, шаҳар ва район кенгашлари томонидан ҳам жойларда гулдасталар қўйилди.

Ҳар иккала байрам ҳам оғир дамларни бошидан кечираётган халқимизнинг кайфиятини оширишга, унинг ёруғ кунларга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА КЕНГАШ

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Йиғинда бир қанча вазирликлар, концерн ва уюшмаларнинг раҳбарлари, саноат корхоналарининг директорлари иштирок этдилар. Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов олиб борди.

Бош вазир ўринбосари А. Н. Возненко халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш комплекси тармоқларида маҳсулот тайёрлаш қандай бораётганлиги ҳақида ахборот берди. Комплекс корхоналарида январь-апрель ойларида бундай моллар ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча кўпайганлиги таъкидланди. Жумладан, Ўзбекистон енгил саноат уюшмасида ип, калава, газлама, пойабзал, чарм ва тўқимачилик галантерияси, чинни буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш режаси ошириб бажарилди. Айни вақтда 85 та бирлашма ва корхонадан 17 тасида истеъмол моллари тайёрлаш суръати пасайди. Жун, калава, шойи газлама, гилам, пайпоқ, трикотаж ва хром-чарм буюмлар ишлаб чиқариш режаси бажарилмади.

Кенгаш қатнашчилари Вазирлар Маҳкамасида ташкил этилган республика халқ истеъмоли моллари кўргазмасини кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

ТЕЗКОРЛИК БИЛАН

Хоразм вилоятида шу йилнинг 3 майига ўтар кечаси ҳаво ҳароратининг бирданига кескин пасайиб кетганлиги оқибатида туман ва хўжаликларда ташвишли аҳвол содир бўлди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимиятида табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан ташкил этилган комиссия ҳамда вилоят деҳқончилик-саноат уюшмасида иш бошлаган штаб зудлик билан чора-тадбирлар ишлаб чиқишга киришди. Жойларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида вилоятга қарашли қишлоқ хўжалиги ва давлат суғуртаси идоралари тизимларининг етук мутахассислари зудлик билан юз берган аҳволни синчиклаб ўрганишди. Аниқланган маълумотларга кўра, вилоятда зарарланган умумий майдон 72935 гектардир. Кўрилган умумий зарар 77 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, кўп жойларда экинлар қайта экилиши керак. Бу ишлар вилоятнинг деярли зарар кўрган барча хўжаликларида тезкорлик билан олиб борилмоқда.

Ҳамма жойда табиат инжиқликлари етказган зарарни бартараф қилиш учун оммавий сафарбарлик эълон қилинган.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА УЧРАШУВ

11 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов Дания Ташқи ишлар вазирлиги делегациясини унинг раҳбари — махсус вакил, Ташқи ишлар вазирлиги департаментининг бошлиғи жаноб К. Хоппенинг илтимосига биноан қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда томонлар икки давлат ўртасида ўрнатилаётган тўғридан-тўғри ўзаро муносабатлардан қониқиш ҳосил қилганликларини билдирдилар, турли соҳаларда ўзаро манфаатли мустаҳкам ҳамкорлик зарурлигини таъкидладилар.

М. М. Расулов делегация аъзоларига партиянинг ХДП Дастурини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти, унинг мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий тузилишига ёндашуви тўғрисида батафсил сўзлаб берди. У сиёсий барқарорлик, фуқароларнинг тинчлиги ва миллатлар ўртасидаги аҳилликни мустаҳкамлаш муаммоларига алоҳида тўхталди. Учрашувда шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, республикадаги бошқа сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан ўзаро муносабатлар муаммолари, иккала томонни қизиқтираётган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов иштирок этди.

ДЎСТЛИК БОҒИ БАРПО ЭТИЛАДИ

12 май куни қардош Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти ҳокими М. Уркумбоев бошлиқ делегация Тошкент вилояти ҳокимлигининг таклифига мувофиқ Ўзбекистон пойтахтига келди.

М. Уркумбоев Тошкент райони хўжаликларида бўлиб, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш йўлида деҳқонлар амалга ошираётган ишлар билан танишди. Қозоғистонлик меҳмонлар ўзбек дўстларининг боғдорчилик соҳасидаги илғор тажрибаларини ўрганишмоқчи эканликларини айтишди. Шу мақсадда қўшни Сариоғоч районидаги 500 гектар ерда Тошкент райони соҳибкорлари билан ҳамкорликда давлат хўжалиги ташкил этиб, узумзор боғ барпо этишнинг дастлабки режаси белгилаб олинди.

— Бу боғни дўстлик боғи деб аташни истардим, — дейди Чимкент вилояти ҳокими. — Тошкент райони деҳқонлари ҳар гектар ердан биздагига нисбатан 2-3 баравар кўпроқ ҳосил олишаётганини биламиз. Биргалашиб яратган боғимизда ширин-шакар узумлар етиштирилишига ишонаман.

(ЎзА мухбири).

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти ҳокими М. Уркумбоевни қабул қилди. Бу ҳақда рўзноманинг навбатдаги сонида ахборот берилади.

ДИПЛОМАТИЯ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Дания қироллиги Ташқи ишлар вазирлигининг делегациясига қабул қилинди. Делегацияга департамент бошлиғи Кристиан Хоппе бошчилик қилмоқда.

Халқаро муносабатлар масалалари муҳокама қилинди, жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган мустақил Ўзбекистоннинг роли, шунингдек икки давлат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш истиқболлари таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси билан Дания қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги нотолар айирбош қилинди.

(ЎзА мухбири).

ГАПНИНГ СУБУТИ ИШ БИЛАН

● Ўтган йилнинг кузида бошқа жойларда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам «қишда очарчилик бўлармиш» қабилидаги гапсўзлар пайдо бўлди. Истеъмол бозоридаги аҳволнинг кундан-кун ёмонлашиб бораётгани ҳам ана шундай шов-шувлар келтириб чиқарди.

Бухоро вилояти раҳбарияти, биринчи навбатда вилоят халқ депутатлари кенгаши шундай вазиятда аҳолини қишдан омон-эсон олиб чиқиш, зарур озиқ-овқат маҳсулоти билан мунтазам таъминлаб туриш учун 200 кунлик дастур ишлаб чиқди. Дастурда шаҳар ва туманларга вилоят ташқарисидан, айниқса ҳамдўстлик мамлакатларидан зарур озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиб келиш вазифаси қўйилган эди.

Мана, орадан икки юз кун ўтди. Шу муносабат билан Бухоро вилояти ҳокимлигига шаҳар ва туман ҳокимларининг савдо ишлари билан шуғулланувчи ўринбосарлари, савдо ташкилотларининг раҳбарлари, вилоят молия, маъмурий идоралар, темир йўл, автотранспорт, банк, кооперативлар бошлиқлари таклиф қилинди.

Вилоят ҳокими Д. Ёдгоров маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, дастур тўлатўкис рўёбга чиққан — 200 кунда вилоятга режадаги 230 миллион сўмлик ўрнига 410 миллион сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилибди. Дастурни бажаришда ибрат кўрсатган шаҳар, туман раҳбарлари рағбатлантирилди.

И. САФАРОВ,
ЎзА мухбири.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

• *Касаба уюшмалари ҳаётидан*

БИРГАЛИКДА ЯГОНА МАҚСАД САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ўртасида 1992 йил учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир битим имзоланди. Бу ҳужжат халқ хўжалиги бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитда аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш борасида республика ҳукумати билан касаба уюшмаларининг мустаҳкам ҳамкорлик қилишини кўзда тутади.

Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов бу кенгаш умумий мақсадга — одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга дадил имкон беришига ишонади.

— Ўтган йили ҳам биз худди шундай битимни имзолаган эдик, — деди, у. — Битимдаги бандларнинг кўпи бажарилди. Турли сабабларга кўра бажарилмай қолган вазифаларни бу йилга кўчирдик. Битим тузишдан олдин жуда кўп тайёргарлик ишларини амалга оширдик. Касаба уюшмаларининг вилоят ва тармоқ комитетлари ҳам вилоятларнинг ҳокимиятлари, вазирликлар, идоралар, концернлар ва бошқа тузилмалар билан ҳудди шундай битимлар туздилар. Хуллас, касаба уюшмалари турли даражаларда алоқани давом эттирадилар, бу эса сўзсиз фойда келтиради.

— **Бўри Алламуродович, битим қандай аниқ вазифаларни ҳал қилади?**

— Агар умуман гапирадиган бўлсак, биргаликдаги фаолиятимиз иқтисодий ислоҳотни ўтказиш даврида аҳоли турмуш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишга, меҳнаткашларнинг бозор муносабатлари шароитига кўникишини таъминлашга имкон беради. Масалан, Вазирлар Маҳкамаси Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида бу йил Олий Кенгашга пенсия таъминоти, меҳнат таътиллари, меҳнат низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги ва бошқа қонун лойиҳаларини тақдим этади.

Битимга мувофиқ, ҳукумат меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини қайта кўриб чиқиш, меҳнат пенсиялари даражасини, стипендиялар ва нафақаларни ошириш, шунингдек меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга доир ишларни давом эттиради. Меҳнатни муҳофаза қилиш давлат тизимини такомиллаштириш, меҳнат шароитини ва экология хавфсизлигини яхшилаш чоралари кўзда тутилмоқда. Соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият ва туризмга давлат ҳисобидан маблағ ажратиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳаларини таклиф этишда ташаббускорлик тарзида биз республика парламентидан Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиққан меҳнатни муҳофаза қилиш, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонунларни, шунингдек фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган бир қанча бошқа қонун ҳужжатларини кўриб чиқишни илтимос қиламиз. Иқтисодиётдаги жараёнларнинг жўшқинлигини, бунинг натижасида аҳоли турмушини таъминлаш билан боғлиқ янги-янги муаммоларнинг пайдо бўлаётганлигини ҳисобга олиб, Касаба уюшмалари федерациясининг кенгаши бу муаммоларни ҳал қилишга доир ўз таклифларини Вазирлар Маҳкамасига мунтазам равишда киритиб туриш ниятидадир. Бошқа шаҳарлардан келган талабалар ва ўқувчилар томонидан уйжойларни ижарага олиш ҳаражатларини қоплаш учун тўланадиган пулни, болаларга аталган буюмлар ва мактаб формасига компенсация тўловларини, меҳнатда мажруҳ бўлиб қолган ногиронлар ёки касб касаллигига йўлиққанларга етган зарарни тўлашни кўпайтириш имкониятларини кўриб чиқилади.

— **Битимни амалга ошириш учун нималар қилинмоқда ва унинг бажарилиши қандай назорат этилади?**

— Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳузурида талабаларга ёрдам жамғармаси тузилган. Унинг маблағи касаба уюшмаларининг ажратмаларидан ва бошқа тушумлардан иборат бўлади. Ҳозирнинг ўзидаёқ пойтахтдаги олий ўқув юртларида таълим олаётган камбағал талабаларнинг эҳтиёжлари учун уч юз минг сўм ажратилди. Уларга тўловлар касаба уюшмалари комитетларининг қарори билангина берилади, касаба уюшмалари комитетлари кимга мадад зарурлигини аниқлаш юзасидан мунтазам иш олиб борадилар. Орол болаларига ёрдам жамғармаси барпо этилди. Бунинг учун бир миллион сўм ажратилди. Тошкентдаги болалар шифохоналаридагина ҳар ойда шу минтақадан келган 200 бола дам олмоқда. Камбағал пенсионерлар учун касаба уюшмалари йўли билан бепул овқатланиш ташкил этилди.

Битим қандай бажарилаётганлигини таҳлил қилиб олиш, зарур ёрдам бериш ва назорат қилиш учун Вазирлар Маҳкамаси билан Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳузурида махсус комиссиялар тузилган. Улар вужудга келаётган у ёки бу муаммоларни тезда ҳал қилишга имкон берадиган таклифларни киритишлари керак.

ЎзА мухбири.

Шарофнома

ГАЗЕТЧИЛАР ҚАДРДОНИ

Жумҳуриятимизнинг асосий рўзномаси «Совет Ўзбекистони»да йигирма йилдан ортиқ муҳаррирлик қилган чоғларимда Шароф Рашидов билан кўп марта учрашиб, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлганман.

Мазкур мақолада унинг кўп қиррали, жўшқин фаолиятининг фақат бир соҳаси ҳақида ўз билганларимни ёздим, холос. Булар — кўпроқ газетачилик фаолияти билан боғлиқ бўлган кузатишларим.

1964 йилдан бошлаб «Қизил Ўзбекистон» газетасида муҳаррир бўлиб ишлай бошладим. Бундан бир неча йил илгари, яъни 1949 йилда замонанинг зайли билан шу муқаддас даргоҳга мақола ёзиб келганимда мени газетага биринчи ишга олган ҳам Шароф Рашидов эди.

Муҳаррирлик қилиш осон иш эмасди. Газета даргоҳида ишлаётган ижодкорлар ҳар бири бутун бир оламга татийдиган атоқли журналистлар, ёзувчилардан таркиб топганди. Лекин, Шароф Рашидовнинг ғамхўрлиги, эътиборини ҳар кун, ҳар дақиқа сезиб турардим. Агар бирор иш бўйича маслаҳатлашиш зарур бўлганда, у киши газетачилар учун ҳар доим вақт топарди.

Шароф Рашидов одатда иш кунини ўша кунги рўзномалар билан танишишдан бошларди. Эрта тонгда бир даста қилиб унинг хонадонига кундалик газеталарни олиб бориб беришарди. Нонушта олдидан уларни кўриб чиқишга улгурарди. Агар газета саҳифаларида бironта эътиборга лойиқ мақола босилиб чиққан бўлса, хизматга боргач, рўзнома муҳаррирларига, ҳатто мақола ёзган муаллифга қўнғироқ қилишни унутмасди. Министрликларга, вилоятларга алоқадор бирор мақола босилиб чиққан бўлса, уларга қўнғироқ қилиб, уни муҳокама этиб, зарур чоралар кўришни талаб этарди.

ЯХШИЛИК УЛАШАРДИ

Шароф Рашидов кўнглида кек сақламасди. Бировга ёмонликни раво кўрмасди. Ўйлаб кўрайлик, Шароф Рашидов биринчи котиб бўлиб ишлаб юрган кезларида бирор кишининг бурнини қонатганмиди? Ишни эплай олмаган ёки ёши ўтиб қолган кадрларни ҳам яхшилик билан кўнглини кўтариб, ўзига лойиқ иш билан таъминларди. Буни жумҳуриятимизда раҳбарлик лавозимида ишлаганлар жуда яхши билишади.

Шанба куни эди. Иш билан ўралашиб тургандим. Ички телефонимиз жиринглаб қолди.

— Бугунги сонингизда қандай мақолалар беряпсиз, — сўради кимдир.

— Мен сизга газетада нима кетаётганини айтиб беришим зарурми? — деб қўпол жавоб қилибман.

Кейин таниб қолдим, телефон қилган Шароф Рашидов экан. Ички телефон орқали алоқа боғлашини ҳеч ўйламаган эканман. Ахир, Шароф ака газетанинг бутун ипидан-игнасигача биларди-да. Коммутаторда ишлайдиган ходимларни ҳам яхши танирди. Шунинг учун ўша куни ички телефон орқали бошқа муҳаррирларга ҳам топшириқ берган.

Узр сўрадим.

— Сиз тўғри жавоб қилдингиз, — деди Шароф ака кулиб.

Шароф Рашидов жумҳуриятимиз вилоятларида кўп бўларди. Айниқса, долзарб дамларда ҳафталаб дала кезар, ечилмаган кўплаб муаммоларни ўша жойнинг ўзида ҳал этиб берар, кейин ҳаётий масалаларни тайёрлаб, Марказқўм бюроси муҳокамасига қўярди. Бирор жойда яхши ташаббус, янгилик бўлса, ўша заҳоти муҳаррирларни қидириб қолар, ўша ердан туриб топшириқ берарди. «Совет Ўзбекистони»га қўнғироқ қилганда «фалон мухбирингизни юборинг» деб, ҳатто вилоятларга борадиган журналистларнинг фамилиясини ҳам айтарди. Ёдимдан чиқмайди. Бир куни Қашқадарёдан телефон қоқиб, «анави Маъруф Назаров деганингиз бор-ку, ўшани юборинг» деб айтгани эсимда.

Шароф Рашидов ғазетачиликдан чиққанлиги учун рўзномада нима ёритиш кераклигини кўпинча ўзи айтиб берар, газетада ташкил этилган «Илғорлар минбари»да ўз долзарб мақолалари билан чиққан ажойиб тажрибакор деҳқонлар ўша кишининг таклифи билан газета минбаридан ўрин оларди. Масалан, Ҳамроқул Турсунқулов, Абдулла Ортиқов, Турсуной Охунова, Ғанишер Юнусов, Лолахон Эрбўтаева, Мунаввар Исҳоқова, Валентин Тюпко, Абдужамил Матқобулов, Меликўзи Умурзоқов, Хван...

БИР КИТОБ ТАРИХИ

Ёз ойлари эди ўшанда. Марказқўмдан биринчи котибнинг ёрдамчиси М. И. Косих телефон қилиб: «Сиз хонангизда бўлинг, Шароф Рашидович Сочидан телефон қилар эканлар», деб қолди. Телефонни қўйишим билан шаҳарлараро алоқадан қўнғироқ бўлди, олсам — Шароф Рашидов.

Ўшанда Шароф ака «Дўстлик байроғи» китоби устида иш олиб бораётганлигини айтиб, яқин кунлар ичида бир-икки бобларини юбораман, шуни кўриб, босмага тайёрларсиз, деб қолди.

Кейин бироз вақт ўтгач, китобнинг айрим боблари кетма-кет кела бошлади. Шароф ака одатда кўк рангли сиёҳда ёзишни яхши кўрарди. Газетада муҳаррирлик қилган кезларида ҳам шунақа рангли сиёҳдан фойдаланарди. «Дўстлик байроғи» китобининг қўлёзмаси бошдан-оёқ қўлда ёзилган, ўша кўк рангдаги сиёҳ билан битилган. Мен шунда Шароф аканинг қунтига, ишлаш услубига қойил қолганман. Қарийб етти-саккиз босма варақдан иборат рисолани бошдан-оёқ ўз дастхатида, ҳеч эринмасдан бирма-бир ёзиб чиққани кишини ҳайратга солади. Бу, ахир, қанча оғир меҳнат! Шундай катта лавозимдаги одам бирор стенографисткага ёки машинисткага айтиб туриб ёздирса бўларди-ку. Баъзи оғзига қучи етмаган кимсалар Шароф аканинг вафотидан сўнг ҳатто «Шароф Рашидов асарларини ўзи ёзмаган» дейишгача бориб етди. Биз унинг қўлёзма устида ишлаган кезларининг ҳам гувоҳи бўлганмиз. Шароф ака ўта ишчан, чарчаш нималигини билмасди, қачон кўрсанг, бирор асар устида иш олиб борарди. Биз уни кузатардик, ҳатто мажлисларда ўтирганда ҳам тинчимас, қабулида бўлганингизда сиз билан суҳбат қуриб туриб, Сиёсий бюронинг қарорларини ўқиб, кўк сиёҳли ручкаси билан керакли жойларини чизиб ўтирарди.

Баъзан чет эллик меҳмонлар, журналистлар ундан: «Ишингиз бошингиздан ошиб ётибди, биринчи котиб бўлсангиз, асар ёзишга қачон вақтингиз бўлади», деб сўраб қолишарди. Шунда Шароф Рашидов кулиб: «Дам олганимда», — деб жавоб берарди.

3. Тезроқ ва жиддийроқ ўқиб, қунт билан таҳрир этиб, босмахонага топширинг. Вақт кетиб қолди, кечикяпмиз.

Сизга эҳтиром билан,
Шароф Рашидов.
3.IX. 1968».

Иккинчи мактубнинг бир муҳим жойи бор. Унда Шароф ака бир нарсага эътиборни жалб этган. Мен қўлёзмани олгач, таҳрир вақтида ўзимча анча мулоҳазага борганман. Агар баъзи жойларини бироз ўзгартириб таҳрир этсам, хафа бўлмасмиканлар, деб кўнглимдан ўтказган эдим. Ахир, Шароф ака Марказқўмнинг биринчи котиби, бутун олам танийдиган одам бўлса... Шароф ака фикрларимни гўё узоқдан туриб билгандай, «Қунт билан таҳрир этинг», деб гўё менга рухсат этган эди.

Албатта, мен китобнинг баъзи жойларини таҳрир этганман. Ўша қўлёзмани ўз хонамдаги стол тортмасида бир неча йил эҳтиётлаб сақлаб юрдим, аммо, кейинчалик Шароф Рашидов вафотидан бир йилча илгари Марказқўмдан яна Михаил Иванович Косих қўнғироқ қилиб, ўша қўлёзмани олиб келиб беришни илтимос қилди. Уни архивга топшириш керак экан. Мен қўлёзмани шахсан ўз қўлим билан Косихга олиб бориб берганман.

Шароф Рашидов дам олишдан қайтиб келгандан кейин мен босмахонада тайёр терилиб ўқиб қўйилган китоб гранкасини ўқиш учун унинг Шелковичнаядаги уйига бордим. Шароф ака раҳматлар айтиб, китобни олиб қолди-да, бир кун ўтгандан кейин эрта билан мени уйига таклиф этди. Бирга ўтириб нонушта қилдик. Дастурхонда кўп нарса йўқ эди. Бир пиёла қатиқ, нон, шакар, сарёғ. Кейин қуймоқ олиб келишди. Бир пиёладан чой ичдик...

Мақсуд ҚОРИЕВ.

УЛУҒ ВА КАМТАР

Қўлёзманинг асосий қисмлари қўлимга текканидан кейин машинкадан чиқариб, нашриётга топширдим. Шароф ака Сочида турганда хат йўллаб қўлёзмасидаги айрим фикрлар, мулоҳазаларни айтиб турган. Ўша юборилган хатлар унчалик катта эмасди. Бир қоғозга етар-етмас, фақат иш юзасидан битилган, шахсий. Шундай бўлса ҳам ўқувчилар мени кечирсинлар, ўша олийжаноб инсоннинг хотираси учун ва унинг инсоний сифатларини кўрсатиш мақсадида иккита хатни келтириб ўтмоқчиман.

Сочидан ёзиб юборилган кичкинагина мактуб шахсан менга ёзилган. Уни шу дамгача бирор одамга кўрсатмаганман, айтмаганман ҳам. Илтимос, мени нокамтарликда айб этманг.

Мана ўша дастхат:

Укам Мақсуджон!

Сизга Сочи шаҳридан самимий салом! Яхши ижод қилиб, дам олмоқдамиз. Яқин кунлар ичида кўришиб ҳам қолурмиз.

Ука, Сизга «Дўстлик байроғи» китобидан икки бобини юбордим. Қолган учтасини ҳам тезда етказаман. Сабабки, баъзи манбаларни Тошкентда қолдириб келган эканман. Шу боисдан баъзи жойларини яна бир кўриб чиқишга тўғри келар, китобни тайёр деса бўлади, аммо шу тайёр нарсани ҳам жуда банд бўлганлигим сабабли февраль ойидан бери сизга топшира олмаяпман. Умидим шулким, 10 сентябрь куни охирги мақолани мендан олурсиз. Ишингизга зафар тилайман. Дўстларга ва келинга салом.

Эҳтиром билан,
Шароф Рашидов.
19 август, 1968 йил».

Ушбу мактубда Шароф Рашидов охирги мақолани 10 сентябрда топшираман деган бўлса ҳам, лекин бир неча кундан кейин махсус почта орқали ваъда қилинган охирги бобни редакцияга юборди. Мен уни тезда кўриб чиқиб, теришга тушириб юборганман.

Шундан кейин иккинчи алоқа хатини олдим, унда баъзи бир кичик мулоҳазалар баён этилган ва қилиниши зарур бўлган ишларни алоҳида ёзиб қўйган.

«Укам Мақсуджон!
Салом!

1. Русчасини ҳам юбордим. Солиштириб ўқисангиз, фойдадан ҳоли бўлмас.

2. 45, 46, 50-ва яна бошқа бетларда сўзлар ҳар хил ишлатилган. Турли-туман бўлмасин. Матбуотда қабул қилинган вариантни олинг. Изчиллик бўлсин.

Шароф ака китобнинг гранкасига баъзи тузатишлар қилган эди. Кейин уларни менга кўрсатди-да, «розимисиз, ўртоқ муҳаррир», деб қўйди. Тошкентда ер қимирлаши муносабати билан редакциямизга келган айрим хатларни таҳрир вақтида китобга киритган эдим. Шароф ака «Буни яхши қилибсиз. Китобни тўлдирибди. Жуда ҳам жойига тушибди», деб хурсанд бўлди.

«Дўстлик байроғи» рисоласи босилиб чиқди. Кейин у рус тилида ҳам чоп этилди. Китоб халқларнинг буюк, бузилмас дўстлиги ғоялари билан суғорилган эди. Шароф Рашидов вафотидан кейин Марказий Комитет пленумида унинг меҳр қўйган айрим шогирдлари «Шароф Рашидов рус тилини ўрганиш масаласига яхши эътибор бермади», дейишгача бориб етишди. Бу, албатта, қуюшқондан чиқиш эди. Ваҳолонки, ҳаёт чоғларида унинг баъзи бир муҳолифлари бунинг аксини айтишганди.

Шароф ака чўнтагидан ўзининг кўк сиёҳли ручкасини олдида, саҳифага имзо чекди. Муҳаррир хонасида саҳифани ўқиш пайтида тушган сурат менинг шахсий альбомимда ўша ноёб дақиқалардан ўчмас ёдгорликдек сақланиб қолган.

Ушанда, 1974 йил 31 декабрда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан Шароф Рашидович Рашидовга иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Биз, барча муҳаррирлар йиғилишиб, Шароф Рашидовни юксак унвон билан муборакбод этгани Марказқўмга борганмиз. Эсдалик учун суратга тушаётганда журналистлардан кимдир «Шароф Рашидович, кеча сиз газетчиларнинг даргоҳига ташриф буюрдингиз-у, Олий унвонга сазовор бўлдингиз, энди ўзингиз ишлаган она даргоҳингизга тез-тез бориб туринг», — деб ҳазиллашди...

Жумҳуриятимиз пойтахтига кўркамлик, салобат бахш этиб турган ўн олти қаватли ана шу «редакцион корпус»нинг бунёдкори ҳам Шароф Рашидов десак хато бўлмас. Тошкент метроси-чи? Унинг қурилишига марказдагилар «Тошкентда метро қуриб бўлмайди» деб қаршилик қилишди. Аммо Шароф Рашидовнинг қатъийлиги, ўз жумҳурияти, эл-юрти иши учун жонкуярлиги туфайли мазкур ер ости кошонаси тез фурсатда барпо этилди. Ёдимда, метро қурилиши бошлангандан кейин Марказқўм бюросининг йиғилишларида қурилишнинг борыши, сифати, ҳар бир бекатнинг қачон тугалланиши, ишга тушиш муддати Шароф Рашидовнинг назоратида эди. У кўпинча бюро йиғилишларида қурилиш бошлиғига: «Сиз тезроқ бунёд этинг, мен сизнинг ёрдамчингиз бўламан, истаган вақтингизда ҳузуримга келинг, сизга эшигим ҳамиша очиқ» дерди. «Редакцион корпус», Тошкентметрополитени, «Халқлар дўстлиги» саройи, Тошкент цирки, Киночилар уйи, «Пахтакор» стадиони, Ҳамза театри, умуман, Тошкентдек азим шаҳарнинг қайта бунёд этилиши ва вилоятларда олиб борилган улкан қурилишлар ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, оташқалб инсон Шароф Рашидов номи билан боғлиқ. Буни бугун жумҳурият билади. Шу боисдан ҳамиша ҳурмат билан эслашади.

Шароф Рашидов ўз фаолиятида матбуотнинг кучига, қудратига таянарди. Кўпинча: «Йўлаб кўринг, Биз бирор вилоятда ёки жумҳуриятимизда йирик ўтказсак, боринг, мниг киши қатнашсин. Аммо матбуотдаги чиқишларни эса юз минглаб одамлар ўқийди», дерди. Шу боисдан, вилоятларда бўлганда ҳам маҳаллий газеталарнинг муҳаррирлари билан учрашишни унутмасди. Уларни жуда яхши биларди. Ҳатто жумҳурият газеталарининг вилоятлардаги мухбирларига ҳам баъзан топшириқ берганлигининг гувоҳиман.



1974 йил. Тошкент шаҳри.

Оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан бот-бот учрашиб туриш Шароф Рашидовнинг ажойиб хислатларидан эди. Мазкур сурат ана шундай учрашувларнинг бирида, 1974 йил декабрь ойида олинган. Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказқўми нашриёти директори Ислом Шоғуломов (чапдан), рўзномалар муҳаррирлари Абсалям Ислямов («Ленин байроғи»), Мақсуд Қориев «(Совет Ўзбекистони»), Николай Тимофеев («Правда Востока»), Шавкат Ниёзов («Ҳақиқати Ўзбекистон»), Аҳмад Исмоилов («Тошкент ҳақиқати»), Исмоил Сулаймонов («Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда»)лар билан.

МАТБУОТИМИЗ ЖОНКУЯРИ

Бунинг устига «рашидовчилик» деган бир ибора ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу ибора умуман Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврнинг сиёсий, иқтисодий йўналишига, кадрлар сиёсатига гўё «назарий» баҳо беришга уриниш эди. Бундай ибораларни Шароф Рашидов қўл остида, унинг бевосита ғамхўрлиги, эътиборидан баҳраманд бўлган, жумҳуриятнинг иқтисодий, мафкуравий ҳаётига раҳбарлик қилган кишилар томонидан айтилганди.

1974 йил. Янги йил арафаси эди. Марказқўмдан телефон қилишиб, «Шароф Рашидов «Редакцион корпус»ни кўргани боради», деб қолишди. Ушанда барча редакциялар ўн олти қаватли янги бинога кўчиб ўтишганди. Ёдингизда бўлса, илгари барча редакциялар «Правда Востока» кўчасидаги икки қаватли бинога жойлашган эди. Бирлашган нашриётнинг собиқ директори В. А. Архангельский даврида ўша икки қаватли бино устига яна икки қават қўйилганди.

Жумҳуриятимизда матбуот ишлари тобора ривож топиб, янги-янги рўзнома, ойномалар юзага келаётган бир шароитда редакциялар учун қурилган мавжуд бино ўсиб бораётган талабни қондирмасди. Шунда редакторлар нашриёт раҳбарияти билан биргалашиб янги «редакцион корпус» қуриш ҳақида хат тайёрлаб Шароф Рашидов ҳузурига кирганмиз. Шароф Рашидов бизнинг хатимизни ўқиб чиқиб, шу заҳотиёқ унга имзо чекиб, Давлат план комиссиясининг раиси С. К. Зиёдуллаевга топшириқ берган. Шундан кейин тез фурсат ичида лойиҳа-ҳужжатлар тайёрлаш бошланган. Хуллас, бир неча ойдан сўнг қурилиш ишлари ҳам авж олиб кетди.

Шароф ака ўша куни тушдан кейин ташриф буюрди. Аввал ишни босмахонадан бошлаб, ўзи билган, узоқ йиллар бирга ишлаган ҳарф терувчилар, метранпажлар, газета тузувчилар, босмахона ишчилари, инженер-техник ходимлар билан учрашди. Кейин редакциялар билан танишди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси бинонинг тўртинчи ва бешинчи қаватларига жойлашганди. Шароф Рашидов, барча бюро аъзолари билан биргаликда бешинчи қаватга кўтарилиб, ўзи бирга ишлаган жамоа билан учрашди. Шунда муҳаррир хонасига кирганда иш столида газетанинг бугун ўқилиши лозим бўлган саҳифалари турарди. Ана шу қадрдон саҳифалар собиқ муҳаррирнинг кўзига бошқача кўриндими ёки газетада ишлаган навқирон йилларини эслатдими, уларни олиб, кўзига суртгандай меҳр билан қараб қолди.

Шунда мен у кишига мурожаат этиб:

— Шароф Рашидович, бир вақтлар сиз мана шу муҳаррирлик курсисида ўтирган эдингиз, қани марҳамат қилиб жойингизга ўтиринг, — деб илтимос қилдим.

Шароф Рашидов курсига ўтирди. Кейин худди газетанинг муҳарриридек, саҳифаларни кўздан кечира бошлади.

— Энди, мана бу саҳифага эсдалик учун қўл қўйиб беринг, — дедим яна.

Ҳамма ишлар тезлик билан бажарилиб, ҳеч ким сезмаган ҳолда, ҳеч ким ҳайрон қолмаган ҳолда, ҳеч ким ҳайрон қолмаган ҳолда, ҳеч ким ҳайрон қол

Қадимий меъморлик обидалари ҳамон кишиларни лол қолдириб келяпти. Уларга ишлатилган ғишт ва кошинлар такрорланмас санъат намуналаридирки, бу қадим-қадимда ҳам ота-боболаримиз юксак маданиятли бўлганидан далолат беради.

Тўғри, вақт ўтиши билан тарихий обидалар охорига гард юқиб, баъзи емирилишларга дучор бўлган. Бундай ёдгорликлар бугунги кунда авайлаб, асралмоқда. Бухородаги «Меъмор» бирлашмаси таъмирловчилари қадимий обидаларга сайқал беришда ўз санъатларини намойиш этишяпти.

Суратда: бирлашманинг тажрибали таъмирчи усталари Карим Иўлдошев ҳамда Икром Баҳронов умидли шогирд Аҳтам Ҳотамов билан.

Суратқаш В. МОЛГАЧЕВ.

АДАБИЙ УЧРАШУВЛАР

Куни-кеча пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом музейида шоир туғилган кун муносабати билан адабий учрашув бўлиб ўтди. Уни Ғафур Ғулом меросини ўрганиш комиссиясининг масъул котиби Ваҳоб Рўзиматов очди.

Учрашувда академик шоирнинг шогирдлари — Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон халқ шоири Рамз Бобожон, шоирлардан Тўра Сулаймон, Ҳусниддин Шарипов адабиётшунос Иброҳим Ғафуров ва бошқалар устоз ҳаёти ва ижод йўли, насрий ва назмий санъати ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Адабиётшунос, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори Наим Каримов, Чўлпон ва Ғафур Ғулом дўстлиги ҳусусидаги янги манбалар ҳақида сўзлаб берди ва бу икки буюк шоирнинг 1934 йили ёзган мушоарасини ўқувчилар ҳукмига илк бор ҳавола этди.

Шоирнинг қизи, ёзувчи Олмос йиғилганларга самимий ташаккур изҳор этди.

Адабий учрашувлардан бири Сурхондарё вилоятининг Олтинсой районида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Мирпўлат Мирзаев, таржимон Шоир Усмонхўжаев ва бошқа адиблар, мезбонлар шоир, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотининг совриндори Муҳаммад Али ижоди хусусида дил сўзларини айтдилар.

М. ПИРМАТОВ.

• СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ? •

ДАРВОЗАГА ОСИЛГАН ҚАМЧИ

Бухоро Арки ўлкада ҳукмронлик қилган амирлик салтанатининг рамзи сифатида асрлар мобайнида миллионлаб кишилар қалбида ҳурмат ва эҳтиром уйғотиб келди. Бир вақтлар Арк майдони ёнида отидан тушиб жиловини ушлаганича бош эгиб ўтмаган суворий қаттиқ жазоланган. Дарвозанинг устига осилган адолат қамчиси жиноят ва жазонинг тимсоли бўлган. Шунинг учун ҳам халқ унга «Рустами достон қамчиси» деб ном берган.

Энди олдинги салтанат нақшу намосининг асари ҳам қолмаган бу ерда. Деворлари нураб, ичидаги биноларнинг сувоғи тарс ёрилган. «Арки олий» кишининг қалбида аянч ҳиссиётларини туғдиради. Михаил Фрунзе қўшининг тажовузидан омон қолган бир қисм биноларда давлат тарихий-меъморчилик қўриқхонасининг ўлкашунослик музейи жойлашган. Дарозага осилган қамчи эса музейнинг тарих бўлимида кўринарли жойда намойиш этиляпти.

Бу эса амирлик тузумининг «истибдоди»ни кўз-кўз қилиш учун яхши белги. Зеро, бўлим кўргазмаларида бундан кейин бирин-кетин қўйилган ашёлар мана шу ғояни кишилар онгига қайта-қайта сингдиришга хизмат қилади.

Фарғоналик бир гуруҳ меҳмонларга қўшилиб музей залларини айланар эканмиз, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Инсон кўтариши амри маҳол бўлган қамчидан назарингизни узиб ўнг томондаги хонага киришингиз билан томошабинларни бошлаб бораётган музей ходими деворга осиғлиқ кишанлар олдида тўхтайди. Амирлик даврида меҳнаткаш халқ зулм остида эзилгани тўғрисида оғиз кўпиртиради. Кишанларнинг ёнига осилган дуррага ишора қилиб шаҳар ҳудудида тозалик-озодаликка риоя этмаган фуқаронга раис қандай шафқатсиз жазолаши тафсилотини бўяб-безайди. Лекин бу ҳам камлик қилади шекилли, бир қадам нари юриб девордаги токчага терилган жаллоднинг узун пичоқларини кўрсатиб Арк майдонида сўйилаётган одамларни кўз олдингизга гавдалантиради.

Табиийки, бундай даҳшатли манзаралардан тиззалари қалтираб қолган айрим сайёҳлар ўтириш учун жой излаб қолишади. Бир фурсат дам олиб жунбушга келган эҳтиросларини босаман дейишса, номаълум рассомнинг деворга осиғлик расмига назарлари тушади. Унда оёқ-қўллари кишанбанд зиндон маҳбуслари юқоридаги туйнукдан уларга хумчада сув тушираётган икки овруполик сайёҳга илтижо билан тикилишмоқда...

Асрлар мобайнида амирлик тузумининг зулми остида эзилиб келган Бухоро халқига овруполик халоскорлар эркинлик, бахт-саодат олиб келишди. Кишилар онгига мустаҳкам сингдириш мақсадида бу ғоя кейинги хонадаги ашёларда давом эттирилади.

Бу ерда томошабиннинг нигоҳи тушадиган дастлабки ашё бошқа бир рассомнинг мўйқаламига мансуб расм. Унда бухоролик дарғазаб мактабдор мулла халфасига ерга ётқизилган болакайнинг оёқ кафтларига дарра билан уриш тўғрисида фармойиш бермоқда. Расмнинг остидаги ойнаванд кўргазмада эса эски мактабда «ишлатилган» жазо асбоблари — дарра, одобчўп қўйилган.

Ҳайратланарли томони шундаки, мазкур кўргазма билан ёнма-ён қўйилган тахтада шарқ ёзувларининг ажойиб намуналари намойиш қилиняпти. Уларни томоша қилган киши Бухоро ҳаттотлик санъатига қойил қолади.

Лекин мантиқ қани? Наҳотки шундай юксак санъатга дарра ва одобчўп зарби билан эришилган бўлса! Бундан келиб чиқадики, Бухоронинг дунё танийдиган алломалари ҳам нуқул калтак остида вояга етишган, мутафаккир сифатида шаклланган эканлар-да.

Йўқ, албатта. Азалдан билим, маърифатнинг бой маконларидан бири бўлган Бухорои шариф энг мустабид ҳукмдорлар даврида ҳам илм-фаннинг қадрини туширмаган. Унинг масжиду мадрасаларида нафақат диний, балким дунёвий фанларнинг ҳам ажойиб билимдонлари бўлган фозилу донолар дарс беришган.

Лекин минг афсуслар бўлсинким, музей хоналарида тарихимизнинг мағзини ташкил этадиган Абу Али ибн Сино, Исмоил ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбандий, Абу Ҳафси Кабир, Аҳмад Дониш каби бухоролик алломалар ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида қайсидир маълумотларни олиш амри маҳол. Етмиш йил мобайнида мурвати мўйлаб турилган музейчилик иши механизми ҳамон ўтмишимизга балчиқ чаплаш, нуқул уни қора бўёқларда кўрсатишга мослаштирилган.

Бухоро давлат музей-қўриқхонаси фаолиятида ҳал қилинмаган муаммолар кўп. Бозор иқтисодиёти шароитида, айниқса, маданият муассасалари ишида катта қийинчиликлар вужудга келаётгани ҳаммамизга маълум. Аммо бу муаммоларни ҳал қилишни биринчи навбатда музейдаги бўлимларни ўтмиш ҳақиқатига яраша тозалашдан, тарихни томошабинларга холисона ёритиб беришдан бошламоқ зарур.

Умуман, Бухоро Арки бундай музей учун нўўрин танлангани аллақачон аён бўлиб қолган. Қасрнинг ин-қилобдан олдинги қиёфаси қайта тикланса, биноларнинг ичи амирлик даврида-ги ашёлар билан жиҳозлантирилса қани эди?!

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА •

ТАДБИРКОР ЛАР

— Абдулла акани ҳозир идорадан топиб бўларми-ди, — деди чўт қоқиб ўтирган бухгалтер йигит биз билан кўришаркан. —Азонда бир келадилар-у, далага жўнаворадилар. Кечқурун саккизлардан кейин келадилар.

— Ҳеч иложи йўқми раис билан кўришишнинг.

— Битта йўли бор. Фақат рацияда сўраб кўриш керак.

— Омадимиз бор экан. Алоқачи қиз биринчи уринишдаёқ раисни топди. У ижарачи Тўра Ражапов даласида экан. Ўша ёққа жўнадик.

Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхози райондаги тўнғич хўжаликлардан. Ерлари қумлоқ, шўр тупроқдан иборат. Шунинг учун ҳам бу ерларда деҳқончилик қилиш оғир. Меҳнатига ҳамма ҳам чидайвермайди. Енгил-елпи ишлаб, даромад оламан деганлар доғда қолади. Шунинг учун ҳам эллигинчи йилларда ташкил этилган жамоа хўжалиги анча вақт қаддини тиклай олмади.

Жамоага Абдулла Алимов раҳбар бўлиб келди-ю, ишлар юриша бошлади. Чунки янги раис ишни одамлардан уззу кун меҳнат қилишни талаб қилавермасдан уларга шароит яратишдан бошлади. Топилган даромаднинг асосий қисми уни яратганлар учун сарфланди. Одамлар яхшироқ ишласалар, яхшироқ яшашларига ишондилар.

Шунинг учун ҳам ҳамма соҳаларда ялпи юксалиш бошланди. Пахтакорлар, сабзавоткорлар, боғбон-соҳибкорлар, об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар режаларини ортиғи билан адо этишга муваффақ бўлишяпти. Чорвачилик ва паррандачилик аллақачон фойдали тармоққа айланган.

Иш билганга минг тилло, деганларидек хўжалик жамоаси тадбиркорлик билан ҳалол меҳнат қилиб кам бўлмаяпти. Тобора дастурхони тўкин, турмуши файзли бўлиб бормоқда. Ўтган қишлоқ хўжалиги йили натижаларига кўра ўн тўрт ярим миллион сўм даромад кўрилди. Пландан ортиқча пахта қайта ишланиб, олинган тола хўжалик тасарруфида қолди. Яқинда бу ерда мавжуд 250 тонна толани сотиш бўйича «Турон» биржаси билан шартнома тузилди. Уни сотишдан 20 миллион сўм фойда кўриш мўлжалланмоқда.

Меҳнатдан келса бойлик турмуш бўлар чиройлик, дейдилар. Хўжалик марказини айланган кишининг кенг, равон, асфальтланган кўкаламзор кўчаларни кўриб баҳри-дили очилади. Ҳар бир хонадонга чорак гектардан томорқа ери берилган. Деҳқонлар бу ерларда ўзлари учун маҳсулот етиштиришмоқда. Молҳол қилишяпти. Хўжаликда сигирсиз хонадон йўқ. Одамлар қўлида қарийб 20 минг қўй бор.

Жамоа хўжалигида ёш болали аёллар ва далага чиқолмайдиганларни фойдали меҳнатга тортишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Раиснинг ташаббуси билан район маҳаллий саноат корхонаси шу ерда фаолият кўрсатаётир. Гилам цехи, кондитер маҳсулотлари цехи, дурадгорлик цехида ва новвойхонада 68 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг хизматидан шу ерлик аҳоли баҳраманд.

Хўжаликда бешта боғча, иккита ўрта мактаб, клуб, маиший хизмат уйи, кинотеатр бор. Боғча ва мактабдаги болалар колхоз ҳисобидан озиқ-овқат билан таъминланишмоқда. Яқинда 150 хонадонда «зангори олов» ёна бошлади. Ичимлик сувидан бу йил ҳамма тўла баҳраманд бўлади.

— Чўл қўйнида яратилган ана шундай қулай шароитда яшаб, ишлашнинг ўзи бир гашт. Ўз меҳнатинг самарасини ўзинг кўпроқ кўрсанг ишлагинг келаверар экан, — дейди биз билан суҳбатда ижарачи Хударган Таиров.—Мен оилам билан ўтган йили 10,3 гектар ерда пахта етиштирдим. Режадаги 25,2 тонна ўрнига 41,1 тонна пахта топшириб, қарийб 50 минг сўм даромад кўрдим. Бу йил яхшироқ ишлаб, кўпроқ ҳосил етиштиришни кўзлаяпман.

Ҳа, хўжалик аъзолари ўз фаровонликлари ўзларининг қўлларида эканлигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам бу йилги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай омилкорлик билан иш юритиб, чигитни қисқа муддатда экиб олишди. Айни кунларда дастлабки ишлов кучайтириляпти.

Биз етиб келганда Абдулла Алимов эндигина униб, чиққан ниҳолларни завқ билан томоша қилаётган экан. Бир довондан ўтдик, — деди раис. — Лекин олдимизда катта ишлар турибди. Ҳар бир агротехник тадбирларни ўз вақтида аниқ, пухта ва соз бажарсак марра бизники. Одамларга ишонса бўлади. Улар доимо ўз сўзларининг устидан чиқиб келишган. Бу йилги хирмон ҳам чакки бўлмайди.

Хўжаликда узоқ йиллардан бери ғўзанинг юқори сифатли ва мўл тола берадиган, аммо кеч етиладиган «108—Ф» навини экиб келишмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу нав 140 кунда етилади. Жамоа деҳқонлари эса, экинни яхши парваришлаб, 120 кунда етилтиришмоқда. Қаловини топсанг қор ёнади, деганлари шу-да!

● Жамоа меҳнат аҳли ишнинг кўзини билиб, баракали меҳнат қилиш билан бирга зарур бўлганда ўзгаларга саховат кўрсатишни ҳам билади. Улар яқинда севимли рўзномалари «Ўзбекистон овози» жамғармасига 30 минг сўм ўтказдилар.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1992—1993 ўқув йили учун

қуйидаги бўлимлар бўйича биринчи курсга

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

I. Кечки бўлимнинг қуйидаги йўналишлари ва мутахассисликларига:

Муҳандис-механик йўналишига (кўтаргич—транспорт, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари, автомобиллар ва автомобиль хўжалиги).

Муҳандис-қурувчи йўналишига (автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш).

Муҳандис-иқтисодчи йўналишига (йўл хўжалиги корхоналари иқтисоди ва менежменти, транспорт корхоналари иқтисоди ва менежменти, транспортни тижорий ишлатиш ва унинг менежменти).

II. Сиртқи бўлимнинг қуйидаги йўналишлари ва мутахассисликларига:

Муҳандис-механик йўналишига (кўтаргич-транспорт, йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари, автомобиллар ва автомобиль хўжалиги).

Муҳандис-қурувчи йўналишига (автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш, кўприклар ва транспорт тоннеллари).

Муҳандис-иқтисодчи йўналишига (бухгалтерия ҳисоби, аудит ва хўжалик фаолиятининг таҳлили; транспорт корхоналари иқтисоди ва менежменти, транспортни тижорий ишлатиш ва унинг менежменти).

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

— аризалар қабул қилиш — 11 майдан 4 июлгача;

— кириш имтиҳонлари — 6 июлдан 21 июлгача;

— талабаликка қабул қилиш — 27 июлгача.

СИРТҚИ БЎЛИМГА:

— аризалар қабул қилиш — 11 майдан 4 июлгача;

— кириш имтиҳонлари — 6 июлдан 21 июлгача;

— талабаликка қабул қилиш 27 июлгача;

Қабул тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: ўрта ёки олий маълумоти ҳақида ҳужжатнинг асли, 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли 6 та фотосурат, иш жойидан маълумотнома ёки меҳнат (жамоа хўжалиги аъзоси) дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма.

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Кечки бўлимга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг шаҳарга яқин районларида яшовчилардан аризалар қабул қилинади.

Олий ўқув юртида таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қирувчилар қуйидаги кириш имтиҳонларини топширадилар:

Кўтаргич-транспорт, йўл, қурилиш машиналари ва жиҳозлари; автомобиллар ва автомобиль хўжалиги, автомобиль йўллари ва аэродромларни қуриш; кўприклар ва транспорт тоннеллари мутахассисликлари учун—математика (ёзма), физика (ёзма) ,таълим олиб бориладиган тил ва адабиётидан (иншо).

Бухгалтерия ҳисоби, аудит ва хўжалик фаолиятининг таҳлили; йўл хўжалиги корхоналарининг иқтисоди ва менежменти, транспорт корхоналарининг иқтисоди ва менежменти, транспортни тижорий ишлатиш ва унинг менежменти мутахассисликлари учун — математика (ёзма), математика (оғзаки), таълим олиб бориладиган тил ва адабиётдан (иншо).

Математика ва физика фанидан кириш имтиҳонлари беш балли тизим бўйича баҳоланади. Таълим олиб бориладиган тил ва адабиётидан имтиҳон «ўтди» ва «ўтмади» тарзида икки балли баҳо билан белгиланади.

Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаль билан, ғалаган мутахассислик бўйича ўрта махсус ёки ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугатганлар фақат математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Ана шу имтиҳонда «аъло» баҳо олганлар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар ва институтга қабул қилинадилар. Бошқа ижобий баҳо олганлар эса қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар.

Қабул ҳайъатининг манзилгоҳи: **700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Пролетар кўчаси, 20-уй, ТАЙИ.**

• Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

ДАСТЛАБКИ УЧРАШУВЛАР

● ТОШКЕНТДА регби бўйича хотин-қизлар ўртасида «Осиё» лигаси жамоаларининг дастлабки учрашувлари бўлди.

Икки кун давом этган қизғин мусобақада Тошкентнинг «Сўғдиёна» жамоаси муваффақиятли куч синашди. Улар Олмаотанинг «Барс» (38:0) ҳамда «Ника» (24:0) жамоаларини мағлубиятга учратиб, Барнаулнинг «Коммунальник» регбичиларини 7:6 ҳисобида енгишди. Шундай қилиб, «Сўғдиёна» ҳозирча пешқадам бўлиб турибди.

ҲАМШАҲАРЛАР ЎЙИНИДА

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоаларининг Ўзбекистон чемпионати ўнинчи тур ўйинлари якунланди.

«Пахтакор» футболчилари билан Тошкентнинг «Трактор» жамоаси учрашуви ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзини кўрсатиб, пешқадамлар сафидан жой олишга уринаётган пахтакорчилар бу сафар мухлислар ишончини оқлашга интилишди. Ҳамшаҳарлар учрашувда тракторсозларнинг сусткашлиги кўзга ташланиб турди. Учрашувнинг биринчи қисмида майдон эгалари ҳисобни очишди. 29-минутда Кенинов ўзини кўрсатди. Танаффусдан кейин эса пахтакорчи Галиев дарвозани нишонга олиб, ғалабани мустаҳкамлади. Учрашув тугашига уч минут қолганда ў яна чаққонлик қилиб ҳисобни 3:0 га етказди.

Ўйинлар жадвали

	Ў	Ю	Д	М	Т	О
Сўғдиёна	9	7	0	2	13—7	14
Темирйўлчи	9	5	3	1	12—3	13
Нурафшон	9	4	4	1	14—8	12
Пахтакор	7	5	1	1	13—5	11
Нефтчи	7	5	1	1	12—3	11
Навбаҳор	9	4	3	2	9—6	11
Наврўз	10	3	5	2	13—11	11
Кимёгар	9	3	3	3	10—11	9
Косонсойчи	9	4	0	5	10—9	8
Пахтакор-79	8	3	2	3	10—12	8
Мароқанд	8	3	1	4	10—13	7
Трактор	10	3	1	6	8—15	7
Чирчиқ	10	3	1	6	10—16	7
Орол	8	2	2	4	5—7	6
Шаҳрихончи	8	1	3	4	5—15	6
Сурхон	9	0	5	4	6—12	5
Янгиер	9	1	1	7	7—15	3

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпаниясининг жамоаси «Машъал» Бош муҳарририяти-нинг масъул муҳаррири В. Иброҳимовга умр йўлдоши

Маргуба ИБРОҲИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият олий билимгоҳи раҳбарияти ва жамоаси олий билимгоҳ Библиография кафедрасининг катта ўқитувчиси Н. А. Шамсиевага отаси

Азиз АЪЗАМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият олий билимгоҳи раҳбарияти ва жамоаси олий билимгоҳ Маданият тарихи ва назарияси, этика ва эстетика кафедрасининг доценти Б. Н. Насриддиновга онаси

Ёқутхон УСМОНХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи раҳбарияти, иқтисодиёт-муҳандислиги куллиёти ва «Амалий математика» кафедраси аъзолари мазкур кафедранинг катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди М. Отамирзаевга онаси

Ҳавохон АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари); Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; 33-20-36, 32-54-36, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

389.680 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г—128.

№94.

Индекс: 64583

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00топширилди — 23.40 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.